



Давлат мушрифлари ва уларнинг маошлари ҳақида



Ишончли кишинигина ашрофликка тайинлайдилар, чунки улар сарой сирларидан доимо хабардор бўлиб, лозим бўлган пайтдагина айтиб берадилар. Улар ишончли ва тўғрисиўз кишиларни давлат мол-мулкани мукофаза қилиш учун шаҳар ҳамда нокияларга ноиб сифатида юборадилар.

Ашрофлар ўз мартаба ва билимларига кўра маош олишлари зарур. Уларнинг ойлик харажат ва маошларини раият ҳисоби-дан эмас, балки хазинадан берадилар. Шунда халқ бошига ран-жу азоб тушмайди, ашрофлар ва ноибларнинг хожатлари хиё-натга ва пора олишга тушмайди, зеро ростлигу ҳалолликдан топилган молу давлат уларга кифоя қилади.